

16 «11» 2022 yil.

502-11-154-MT/2022-son

Махсулот етказиб бериш шартномаси

Бувайда **Мактабгача таълим бўлими** раҳбари Д.Нурматова бундан бўён бир томондан «Сотиб олувчи» деб юритилади, Низом асосида иш юритувчи, иккинчи томондан «MEAT-MARKET 21» МЧЖ раҳбари **Д.Актамов** Низом асосида иш юритувчи бундан бўён «Сотувчи» деб юритилади ва куйидагилар хакида ушбу шартнома тузилди.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Озик овкат махсулотини сотиш ва етказиб бериш.

2. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1. Махсулотлар куйидагиларча етказиб берилади. **ККС** сиз.

№	Товар махсулот номлари	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Картошка	Кг	90731	4400	399 216 400
	Жами:		90731	4400	399 216 400

2.2 Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: Уч юз туксон туккиз миллион икки юз ун олти минг турт юз сўм 00 т.

3.ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Сотиб олувчи» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг **30%** микдорида пул утказиш йули билан толовни амалга оширади колган **70%** ни махсулот тулик етказиб берилгандан сунг 60 кун давомида тулаб берилади, олинаётган озик-овкат махсулотлари учун нархи Фарғона вилояти нарх комиссияси томонидан тақдим этилган нарх асосида келишиб олинади.

3.2. Товарлар «Сотувчи» "Сотиб олувчи" томонидан курсатилган манзилга етказиб бериши шарт.

4. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ VA МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарни 1 (бир) ойлик муддат ичida «Харидор»га етказиб бериши шарт.

4.2. Шартнома бўйича товарларни етказиб бериш товарларни сотиб олувчига жўнатиш йўли билан жўнатиш разнарядкаси оркали амалга оширилади.

4.3. Жўнатиш разнарядкасининг жадвали шартномага илова килинади.

4.4. Товарлар факат Сотувчи корхонанинг номи ва шакли карашли автомашинада етказилиши керак.

4.5. Сотиб олувчи шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларнинг кабул килинишини таъминлайдиган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириши лозим.

4.6. Сотиб олувчи сотиб олган товарларни товарлар етказиб берилганидан кейин дарҳол кўздан кечириши, агарда етказиб бериш билан боғлиқ камчиликлар аникланган тақдирда, товар етказиб берувчи-сотувчини зудлик билан ёзма равишида хабардор килиши лозим.

5. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофикалик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

6. Шартнома тарафларининг хуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Сотувчининг хуқуқлари:

- сотилган товар ҳақини тўлашни.
- товарни ўз вақтида кабул қилиб олишни.
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этишини.
- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган заарларнинг қопланишини талаб қилиш.
- Сотиб олувчи конун хужжатларида белгиланган асосларсиз махсулот етказиб берувчи-сотувчидан товарни кабул қилиб олмаган ёки товарни рад этган ҳолларда махсулот етказиб берувчи-сотувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳакли.

6.2. Сотувчининг мажбуриятлари:

- Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда уз вақтида "Сотиб олувчи"га товарни етказиб бериш
- товарни сотиб олувчига мулк қилиб топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни топшириш;

- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топшириш;
- учинчи шахсларнинг хар қандай хукукларидан ҳоли бўлган товарни топшириш;- шартномада назарда тутилган товарни сотиб оловчига идишда ёки ўралган ҳолда топшириш;- товарни сотиб оловчига топширгунга қадар саклаш. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тугрисида билдириш олгандан сунг, сифатли булмаган мол-мулкни З(уч) кун ичидаги алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини кайтариб бериш.

"Сотувчи" етказиб берган маҳсулотларини хисоб-варакларда тулик ва аник маҳсулот категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиш шарт. Хисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тулик реквизитларини расмийлаштириш шарт.

6.3. Сотиб оловчининг хукуклари:

- сотиб олайтган товарни ўзига мулк килиб топширишни;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
- учинчи шахсларнинг хукукларидан ҳоли бўлган товарни топширишни талаб килиш.

6.4. Сотиб оловчининг мажбуриятлари:

- сотиб олган товар ҳакини ўз вактида тўлаш;
- товарни ўз вактида қабул килиб олиш;
- шартномада шартларига тўлиқ риоя этиш;
- сотувчига етказилган заарни қоплаш.

Сотиб оловчи шартноманинг товарлар миқдори, сифати, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳакида сотувчига ўн кун муддат ичидаги маълум килиши шарт.

«Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя килган ҳолда толовларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига караб уз вактида маҳсулотни қабул килиб олиши лозим.

Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган хисоб-вараклар буйича толов амалга оширилмайди.

7. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Узбекистон Республикаси Конунчилигига шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардиirlар.

7.2. «Сотиб оловчи» олинган товар учун толовни ўз вактида амалга оширмаса кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган сумманинг 0,04% миқдорида «Сотувчи»га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечикирилган сумманинг 50% дан ортик булмаслиги лозим.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбор тараф бут бўлмаган товарлар кийматининг 20 % миқдорида жарима тулайди.

7.4. «Сотувчи» томонидан товарларни етказиб бериш муддатлари кечикирилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (сотувчи) сотиб оловчига (буюртмачига) кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

7.5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 434-моддасига кўра сотиб оловчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартномада тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб оловчи ўз хоҳишига кўра: худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишинча қайта хисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб оловчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун килинган харажатлар қопланишини;

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

кўрилган зарар ўрнини коплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб килиш хукукига эга. Товар учун тўланган пул суммасини сотиб оловчига қайтариш вактда сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки кисман фойдаланганлиги, товар кўриниши йўқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар киймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб колишга ҳакли эмас.

7.6. Сотувчи шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, заарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод килмайди.

7.7. Шартномани бажаришдан бир томонлама (тўлиқ ёки кисман) бош тортишга тарафлардан бири шартномани жиддий бузган тақдирда йўл кўйилади.

Шартномани бузиш қуйидаги холларда жиддий деб топилади:

- тегишли даражада сифатли бўлмаган, сотиб оловчи учун мақбул муддатда бартараф қилиб бўлмайдиган камчиликларга эга бўлган товарларни етказиб бериш;
- товарларни етказиб бериш муддатларини бузиш.

7.8. Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасини бекор қилиш ёки ўзгаришишнинг бошка муддати билдириш хатида назарда тутилмаган бўлса, шартнома бир тараф бошка тарафдан шартномани бажаришдан тўла ёки кисман бир тарафлама бош тортиш тўғрисида билдириш хати олган пайтдан бошлаб ўзгаририлган ёки бекор қилинган ҳисобланади.

8. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Фавкулотда тусдаги холатларга: сув тошкини, ёнгин, ер кимирлаши ва бошкалар

8.2. Тарафлар ушбу шартномада курсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тутрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб булмайдиган куч 1(бир) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишида огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

9. ШАРТНОМАНИ УЗГАРИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгаришиш ва уни бекор қилишда пайдо буладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади. Узаро келишилмаса Иктисолий суд ва Узбекистон Республикаси амалдаги конунлар тартибда хал килинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил «31» Декабргача амал килади. Шартнома тегишли газначилик булинмасидан рўйхатдан утгандан сунг кучга киради.

10. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ҚОЙДАЛАРНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

10.1.«Сотиб оловчи» ва «Сотувчи» ушбу шартнома бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупсиявий хатти-харакатларда катнашмаслик, шу жумладан, файриконуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда файриконуний мақсадларда ўзининг ёки бошка шахсларнинг харакатлари ёки карорларига таъсир қилиш учун пул маблаглари ёки бошка кимматликлар кўринишида:

Пора таклиф килмаслик; ваъда бермаслик;

Пул тўламаслик; товламачилик килмаслик;

Бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик; пора олмаслик; бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик; мол-мулк ёки мулкий хукуқларни олмаслик; ўз ваколатларини систеъмол қилмаслик мажбуриятини олади.

10.2. «Сотиб оловчи» ва «Сотувчи» атрофдаги шахслар томонидан коррупсияга оид хукуқ бузарликни содир этиш ёки унда катнашишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийши шарт.

10.3. «Сотиб оловчи» ва «Сотувчи» Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари ва (Давлат органи ёки ташкилотининг номи) ички хужжатларига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чикишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чикиш экҳимоли ҳакида ўзига маълум бўлиши билан дархол шартнома бўйича ўзидан бошка тарафни хабардор қилиши шарт.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИЛЛАРИ

«Сотувчи»

«Харидор»

«MEAT-MARKET 21» МЧЖ

Манзил: Боғод тумани Олмазор к-си

Тел/факс: 91-202-37-00

Х/в: 20208000305359821001

Банк номи: АКБ «Хамкорбанк Кўкон» филиали

МФО: 00956

СТИР 308 288 750

СКЭД: 47220



Бувайда тумани Мактабгача таълим бўлими

Манзил: Бувайда тумани

Тел/факс: 95-007-19-90

Ш/х/в: 100022860302127091100251036

Бюджетдан маблаг оловчининг

Стири: 305155658, ОКОНХ: 92400

Газначилик булинмаси номи:

Учқўприк Газначилик бўлинмаси

Фазна х/в: 23402000300100001010



Рахбар: Д.Актамов
(имзо)

Тошкент шаҳар Марказий банк ББ ХККМ
МФО: 00014
Ғазначилик булинмаси Стири: 201122919

Рахбар: Д.Нурматова
М.У. (имзо)

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	DILNOZA NURMATOVA OLIMOVNA
	Imzolangan sana	14.11.2022 14:36
	Hujjat kodi	MO5128860546
	Hulosa kodi	PF8438108213

Коррупцияга қарши қоидаларининг АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни Бувайда МТБ ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қуидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;

тovlamachiлик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл кўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир томон Бувайда МТМ ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид хукуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуидаги алоқа каналларидан бири оркали хабардор қилиши керак:

коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони;

Телеграм-канали 998558025525

Бувайда МТБ расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

ТОМОНЛАР:



Бажарувчи:

MEAT-MARKET 21 МЧЖ

рахбар

Д.НУРМАТОВА

(имзо)

Бувайда МТБ

Д.Нурматова

(Ф.И.О.)

(имзо) _____

Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.

Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR
Code** ni skanerlang.



Imzolovchi F.I.SH.	DILNOZA NURMATOVA OLIMOVNA
Imzolangan sana	14.11.2022 14:36
Hujjat kodi	MO5128860546
Hulosa kodi	PF8438108213

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

PF8438108213

- 1. Loyihaning turi : Shartnoma**
- 2. Loyihaning nomi: Mahsulot etkazib berish shartnomasi (399 216 400 so'mlik, kartoshka)**
- 3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** BUVAYDA TUMANI MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI tomonidan 14.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Buvayda tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



S.O.AXMADALIYEV

14.11.2022